Инв. 290395

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 25 март, шанба №37 (21.800.) Сотувда эркин нархда.

"БУТУН УМРИМНИ, БУТУН БОРЛИҒИМНИ, КЕРАК БЎЛГАНДА ЖОНИМНИ ҲАМ СИЗЛАРГА, ХАЛҚИМГА БАХШИДА ЭТИШГА ТАЙЁРМАНМ"



26 МАРТ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ҲАММА - РЕФЕРЕНДУМГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЧОРВАЧИЛИКДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда тащаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонини бажариш ҳамда чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда 1995 йил охиригача, қонунчиликда белгиланган тартибда, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилмаган хўжаликлар чорвачилик фермаларининг хусусийлаштирилишини таъминласинлар.

2. Чорвачилик фермаларини хусусийлаштиришни амалга ошириш учун тегишли хўжаликларда туман ҳокимликлари, хўжаликлар, қишлоқ хўжалиги органлари ва жамоатчилик вакилларидан иборат таркибда махсус комиссиялар тузилсин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Давлат мулки қўмитаси, Мо-

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддасига биноан овоз бериш 1995 йил 26 март куни эрталаб соат 7 дан кеч соат 20 гача ўтказилади.

Овоз берувчи фуқаро овоз бериш биносига келгач, участка комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда овоз берувчилар рўйхатига имзо қўяди.

Шундан кейин унга овоз бериш учун бюллетень берилади.

Бюллетень олган овоз берувчи референдум тўғрисидаги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, референдумга киритилган масалани ёқлаб овоз бермоқчи бўлса, бюллетендаги савол матнини ўчирмайди ёки бюллетенни участка комиссиясидан қай ҳолда олган бўлса шундайлигича овоз бериш қутисига ташлаш билан ўз фикрини билдиради.

Қарши овоз берилганда эса бюллетендаги савол матни ўчирилади.

Айрим овоз берувчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлари тақдирда, уларнинг илтимосига кўра участка комиссияси овоз беришни ана шу овоз берувчилар турган жойда ташкил этади.

Бюллетень қонун талабларига кўра давлат тилида ҳамда тегишли округ комиссияларининг таклифларига биноан ўзбек-рус, ўзбек-қорақалпоқ, ўзбек-қорақалпоқ-рус тилларида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси референдумида овоз бериш учун

БЮЛЛЕТЕНЬ

1995 йил 26 март

«Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?»

Қарши овоз берилганда саволнинг матни ўчириб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси референдумида овоз бериш учун

БЮЛЛЕТЕНЬ

для голосования на референдуме Республики Узбекистан

26 марта 1995 года

«Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?»

«Согласны ли вы продлить срок полномочий Президента Республики Узбекистан с 1997 до 2000 года?»

Қарши овоз берилганда саволнинг матни ўчириб ташланади.

При голосовании против текст вопроса зачеркивается.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МОЛДОВА РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Молдова Республикаси Президенти М. Снегур таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 30-31 март кунлари Молдова Республикасига расмий ташриф буюради.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

23 март куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида юртимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеяси вице-президенти, Германия Бундестаги депутати Вилли Виммер бошчилигидаги делегация қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонларга Ўзбекистонда республика Президенти И. А. Каримов бошчилигида мамлакатда демократик тартиботларни қарор топтириш борасида олиб борилаётган салмоқли ишлар тўғрисида сўзлаб берди.

Республиканинг янги парламенти ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига 1994 йилнинг 25 декабрида илк бор кўппартиялилик асосида ўтказилган сайловлар бу йўлдаги муҳим қадамдир, деб таъкидлади у.

Жаноб Вилли Виммер Германия ҳамда ўзи вакил бўлган халқаро ташкилотнинг кўп йиллик тажрибаси мустақил Ўзбекистонда демократияни янада ривожлантириш учун қўл келиши мумкинлиги тўғрисида фикр билдирди.

Биринчи котиб меҳмонларнинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва фаолияти ҳақидаги саволларига жавоб берди.

Учрашувда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Г. Ю. Кайльхолц, шунингдек, Ўзбекистон ХДП МК котиби И. Кочмарик, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари У. Тургунов ва Л. Ғуломовлар ҳозир бўлдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК МАТБУОТ МАРКАЗИ

ТАРИХИЙ ВОҚЕА БЎЛАДИ

Академик М. Т. Ўрозбоев номли Қўқон шаҳар политехникумида катта анжуман бўлиб ўтди. Унда ўқитувчилар, ишчи-хизматчилар ва талабалар иштирок этдилар.

Сўзга чиққан ўқитувчилар Б. Тошпўлатов, А. Раҳмонқулов ҳамда талаба ёшлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича ўтказиладиган умумхалқ референдумида фаол қатнашишларини айтиб бошқаларни ҳам шунга даъват этишди.

А. МАЛАЖОНОВ
ўқитувчи.

ЎЗ ҲУҚУҚИМДАН ФОЙДАЛАНАМАН

Парламентимизнинг республика Президенти ваколатлари муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорини оддий бир фуқаро сифатида қўллаб-қувватлайман. Ўзим, фарзандларим эрта тонгдан овоз бериш учун борамиз. Бу билан ўз конституциявий ҳуқуқимиздан фойдаланган бўламиз.

Умумхалқ референдумида халқимиз ўз аҳиллигини, ҳамжиҳатлигини намоён этади, деб ўйлайман. Шунда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тараққиётимизнинг яна ҳам ривож топишига кенг замин яратилади.

Пардавой БУХОРОВ,
ХДП аъзоси, меҳнат фахрийси,
Косонсой шаҳри.

ФАОЛЛАР ДАЪВАТИ

Чироқчида туман меҳнаткашлари, фаоллар ва фахрийлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда биринчи чақириқ республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги Президентимизнинг маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида туман ҳокими Т. Каримовнинг маърузаси тингланди.

Туман фаоллари йиғилиш сўнгида республика Олий Мажлиси қарорини маъқуллаб, барчани умумхалқ референдумида уюшқоқлик билан қатнашишга чақирдилар.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида бўлиб ўтган анжуманда институт ўқитувчи ва талабалари, халқ таълими ходимлари ва шаҳар жамоатчилигининг вакиллари қатнашдилар.

Сўзга чиққанлар юртбошимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис сессиясида сўзлаган ёрқин ва сермазмун маърузасида илгари сурилган ғоялар келгусидаги ишлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб, парламентимиз қабул қилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш ҳақидаги қарорни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар ҳамда бошқаларни ҳам референдум куни бу сиёсий тадбирда фаол иштирок этишга чақирдилар.

Жўрақул ИСКАНДАРОВ.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

НУКУС. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Т. А. Ешимбетова Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимидан озод қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси котибияти бошлиғи бўлиб ишлаган Гулистон Аҳмедовна Аннақиличева Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси этиб сайланди.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорини якдиллик билан маъқуллаб, шу йил 26 март куни бўладиган умумхалқ референдумида барча хотин-қизлар фаол иштирок этишига ишонч билдирдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЖТИМОИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ВАТАН

ТАРИХИМИЗНИНГ ЗАРҲАЛ САТРЛАРИ

1990 йил 20 июнь.
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик Декларацияси қабул қилинди.

1991 йил 31 август.
Ўзбекистон Республикаси Мустақил деб эълон қилинди.

1991 йил 18 ноябрь.
Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи тўғрисида Қонун қабул қилинди.

1991 йил 29 декабрь.
Муқобиллик асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов кўпчилик овоз билан Президентликка сайланди.

1992 йил 4 январь.
Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида Қонун қабул қилинди.

1992 йил 26 февраль.
Хельсинки. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашнинг Якунловчи актига Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов имзо қўйди.

1992 йил 2 март.
Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди.

1992 йил 2 июль.
Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тўғрисида Қонун қабул қилинди.

1992 йил 8 декабрь.
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

1992 йил 10 декабрь.
Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси қабул қилинди.

1993 йил 4 март.
Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида Фармон эълон қилинди.

1993 йил 31 август.
Тошкентда Амир Темур ҳайкали очилди.

1993 йил 16 сентябрь.
Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

1994 йил 21 январь.
«Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон эълон қилинди.

1994 йил 16 март.
1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида Фармон қабул қилинди.

1994 йил 19 март.
Республика Президентининг Фармонига биноан 1994 йил Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилинди.

1994 йил 23 апрель.
Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказига асос солинди.

1994 йил 5 май.
«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва Олий Нишон — «Олтин Юлдуз» медалини, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари, «Жасорат», «Шуҳрат» медалларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинди.

1994 йил 1 июль.
Ўзбекистон Республикаси ўз миллий валютасини муомалага киритди.

1995 йил 23 февраль.
Биринчи марта кўппартиялилик асосида сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси очилди. Унда мамлакат Президенти «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» мавзуида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЧОРВАЧИЛИКДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

лия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

Чорва моллари, бинолар ва асбоб-анжомларни танлов-кимошди савдоси асосида сотиш;

ер майдонларини умрбод эгалик қилиш учун янги мулкдорларга сотиш;

чорва моллари ва бошқа мулклар қийматини тўлаш муддатини узайтириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари хусусийлаштирилган фермаларга Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февралдаги 87-сон қарорида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича белгиланган нормативларга биноан озуқа етиштириш учун ер майдонлари ажратсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари чорвачилик фермерларини хусусийлаштиришда янги мулкдорларнинг улуш қўшиб қатнашишлари асосида мавжуд коммуникациялар, озуқа цехлари, транспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникаси негизида ширкатлар ташкил этишни назарда тутсинлар.

Хусусийлаштирилган фермаларга 1995 йилда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси лимитлари ҳисобига давлат ресурсларидан пахта шроти ажратиш бўйича топшириқ тасдиқлансин.

6. Хусусийлаштирилган фермалар, деҳқон (фермер) хўжаликлари ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларидаги маҳсулдор моллар подасини мунтазам янгилаб бориш мақсадида наслчилик заводлари ва хўжаликларининг рўйхати тасдиқлансин.

Узбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, республиканинг манфаатдор ташкилотлари билан келишган ҳолда, икки ҳафта муддатда, ихтисослаштирилган наслчилик хўжаликлари рўйхатини аниқласин ва тасдиқласин ҳамда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида янги наслчилик заводлари ва хўжаликлари ташкил этиш тўғрисида киритсин.

7. Узбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узистиқболстат» Давлат қўмитаси, Молия вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Чорва наслчилигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уни давлат ресурсларидан омихта ем билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида чорвачиликда наслчилик ишлари бўйича Давлат инспекцияси ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритсинлар.

8. Узбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши вилоятлар ҳокимликлари чорвачиликда зооветеринария пунктлари ва техник сервис станциялари тармоғини ривожлантиришни ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни таъминласинлар.

9. «Узғуштсутсаноат» ва «Узбексавдо» давлат уюшмалари, бошқа тайёрлов идоралари фермерлар, хўжаликлар ва аҳолидан чорвачилик маҳсулотларини тузилган шартномалар бўйича бевосита жойнинг ўзида қабул қилиб олишни амалга оширсинлар.

10. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси, «Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хусусийлаштирилган чорвачилик фермалари ва деҳқон (фермер) хўжаликлари эҳтиёжлари учун 1995 йилда вазирлик фондидан ёнилғимойлаш материалларини ажратсинлар.

11. Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маҳсулот етиштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва уни янада кўпайтиришни таъминлаш мақсадида бир ой муддатда чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хусусийлаштирилган фермалар, деҳқон (фермер) хўжаликлари ва аҳолидан солиқ олишни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсинлар.

12. Белгилаб қўйилсинки, хусусийлаштирилган фермаларни, деҳқон (фермер) хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш «Ўзтадбиркорбанк» ва унинг жойлардаги муассасалари фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.

13. Давлат мулки қўмитаси кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармадан деҳқон (фермер) хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратишни назарда тутсин.

14. «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси Узбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда аҳоли хўжаликлари ва деҳқон (фермер) хўжаликларидаги чорва молларини ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни статистик ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 март.

Қирғизистондан хат

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА

Биз, Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятида яшовчи ўзбеклар номидан шу йилнинг 26 мартида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларини 2000 йилгача узайтириш масаласига бағишлаб референдум ўтказилишини қўллаб-қувватлаймиз. Шуни мамнуният билан таъкидлаймизки, Президент Ислом Каримов тутаётган ташқи ва ички сиёсат дунёнинг аксарият мамлакатларида қўллаб-қувватланаётир. Бу олийжаноб инсон биргина ўзбек халқининг бахт-саодати учун эмас, балки барча мамлакатларнинг тинчлиги, фаровонлиги, тотувлигини кўзлаб иш қилаётир. Ўзбекистонда халқ манфаатларининг барча нарсадан устун қўйилаётганлиги, жиноятчилик пайи қирқилаётганлиги дунёдаги барча давлатлар раҳбарлари ўрганса арзийдиган ибратдир. Биз Фарғона водийсида истиқомат қилувчи ўзбеклар қатори Ўзбекистонда бўлаётган улуғвор ўзгаришларни зўр қониқиш ҳисси билан кузатиб боряпмиз. Янги чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорини қувониб кутиб олдик.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Марказий Осиё давлатлари бирлигига асос солиш, ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 48-ассамблеяси минбаридан туриб сўзлаган нутқи, Жанубий Қурия, Данияга қилган амалий ташрифлари пайтида олға сурган таклифлари унинг узоқни кўзлаган раҳбар ва катта сиёсатчи эканлигини кўрсатиб турибди.

Биз воқеликка очиқ кўз билан баҳо берган ҳолда Ўзбекистон халқининг Президент ваколатларини 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги хоҳиширодасини эъзозлаймиз ҳамда унга бажонидил қўшиламиз.

Кўпмиллатли Ўзбекистон халқига ушбу мактубимиз орқали улкан яратувчилик ишларида каттадан-катта мваффақиятлар тилаймиз.

Қурбон БАДАЛОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.
Камолиддин ГОЙИББОЕВ,
уруш ва меҳнат фахрийси, Қирғизистонда хизмат кўрсаттан шифокор.
Рўзи АЗИМОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси, уруш Қаҳрамони (жами 12 имзо).

Мустақиллик ғурури

ИСТИҚБОЛ УФҚЛАРИ

Шайхонтоҳур тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати А. Ж. Миржалилов билан суҳбат

— Атҳамжон Жалилович, Аллоҳнинг иноятн билан ватан — Ўзбекистон мустақил бўлди. Жаҳон «Сиёсатнома»сида ватан мустақиллигининг низомномалари ишлаб чиқилган, яъни мустақил ватан ҳудудий чегарасига, Қонунлар мажмуаси Конституцияга, байроғига, тамғасию мадҳиясига, тили ва пул бирлигига эга бўлмоғи лозимдир. Булар Ўзбекистон Республикасида барқарор бўлди. Қувонарлиси, мустақил Ватаннинг халқ ишончи билдириб сайлаган биринчи депутатлари ҳам ўз фаолиятларини бошладилар. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сиз халқ ишонч билдирган кишилар сафида қатнашдингиз. Сессияда республикамиз Президенти маърузасида жумладан иқтисодий муносабатларни демократиялаш тўғрисида сўз боради. Ана шу жараён ҳақида ўз фикрларингизни билдирсангиз.

–Президентимизнинг сессиядаги маърузасида мамлакатда кейинги қисқа муддат ичида бу борада амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилди. Шунингдек, республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий истиқболи — XXI аср бусағасида турган Узбекистонимизнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Республикамизда иқтисодий муносабатларни демократиялаш — иқтисодиётимизнинг энг муҳим шарти ва бозор ислоҳотларининг бош вазифаларидан бири сифатида алоҳида таъкидланди. Қисқа муддат — мустақилликка эришганимиздан буён ўтган уч ярим йил мобайнида ислоҳотларни амалга ошириш борасида катта муваффақиятларга эришганлигимизни, ислоҳотнинг ҳуқуқий асослари яратилганлигини, уларни изчиллик билан амалга ошириш учун дастурлар ишлаб чиқилганлигини, кескин иқтисодий ўсишни таъминлай оладиган зарур асос яратилганлигини, тадбиркорлик билан шуғулланадиган кенг қатлам юзага келганлигини, улар мамлакатимиз иқтисодиётида ўзларининг салмоқли улушларига эга бўлиб бораётганлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, Президентимиз иқтисодий фаолият соҳасида муайян ютуқларга эришганлигимизга қарамасдан, олдимизда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳали кўп дедилар. Хусусан, бу — давлат бюджетига тушаётган даромаднинг муайян қисми ҳозирча четга сотилаётган баъзи тармоқ маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Масалан, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича тегишли фармон ва қарорлар уларга қўшимча бир қанча ҳужжатлар қабул қилинганлигига қарамасдан, жойларда айрим камчиликлар учрамоқда.

— Олий Мажлис сессиясида юртбошимиз хусусийлаштириш соҳасида муаммоларни ечиш, ҳақиқий мулк эгаларининг қатламини вужудга келтириш ҳақида ҳам тўхталдилар. Хўш, туманда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Давлат тасарруфидаги уй-жойларнинг ҳаммаси, савдо тармоқлари, маиший хизмат бинолари, саноат корхоналарини хусусийлаштириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Бу эса уз-ўзидан маълумки, энг аввало эгасизликка, боқимандаликка чек қўйишга ва мавжуд мулкни халққа самарали хизмат қилишга имкон яратмоқда. Оқибатда туман ҳудудидаги хусусийлаштирилган олтита катта саноат корхоналаридан «Шарқ гули» фабрикаси, 6-пиво тайёрлаш заводи, «Оқтепа» фабрикаси, Қўн-муйна заводи, «Орзу» ижара корхонаси, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмалари жамоа корхонасига ёки ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиб ишлаб чиқаришда сезиларли силжиш бўлмоқда. Ушбу корхоналардан учтаси Германия, Покистон, АҚШ сингари мамлакатлар билан тобора ҳамкорлик қилиш йўлига кириб бормоқда. Натижада хусусийлаштирилган корхоналаримизда маҳсулотлар сифати ортиб, самарадорлик юксалиб 141 хилдаги янги-янги буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

«Орзу» ҳиссадорлик жамияти бугун нафақат чарм-галантерея маҳсулотларигина эмас, Ички ишлар вазирлиги ходимлари учун кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирди. Биргина «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти корхонасида 105 турдаги сифатли, бежирим маҳсулотлар тайёрланаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Тез орада тажриба-техника заводи ҳамда «Кукча» фабрикалари ҳам хусусийлаштирилиши кутилмоқда. Демак, бу хусусийлаштириш муаммоларини тез орада ижобий ечсаккина барча соҳада ижобий силжишларга эришамиз. Буни биз ўтган йили хусусийлаштиришда корхоналаримизнинг ўзидан 13 миллион 356 минг 400 сўмлик маҳсулот чет элларга экспорт ёки бартер асосида жўнатилганлигида ҳам кўрсак бўлади.

— Айтингчи, туманда иқтисодий ислоҳотларни янада юксалтиришда ўрта ва кичик, қўшма корхоналарнинг ўрни қандай бўлмоқда?

— Жаҳон тажрибаларидан маълумки, ҳар бир тадбиркор, ишбилармон учун барча мавжуд ҳуқуқ ва имкониятлар яратиб берилса, ўрта ва кичик, қўшма корхоналар жуда қисқа вақт ичида мамлакат иқтисодиётини юксакликка кўтаролувчи воситалардан бирига айланади. Шу боисдан туманимизда айни пайтда ўрта ва кичик корхоналарнинг сони 218 тага, қўшма корхоналар 138 та, шунингдек, хусусий корхона ва фирмалар 416 та, масъулияти чекланган жамиятлар 562 та, ижара ва ширкат корхоналар 106 та ва 45 та акционерлик жамиятларига айланган ишлаб чиқариш ташкилоти ва бирлашмалари иш олиб бормоқда. Биз бугун шуни ишонч билан айта олишимиз мумкинки, бу тоифадаги ўрта ва кичик корхоналар озгина маблағ билан қисқа вақт, фурсат ичида маҳсулот бера бошламоқда. Муҳими, бу турдаги корхоналар янги техника ва технологияни ҳам жуда тезликда ишлаб чиқаришга жорий этмоқда. Қолаверса, бу корхоналарга ишлаб чиқариш кучларини жалб қилиш, четдан хом ашё келтириш, тайёр маҳсулотни сотиш билан боғлиқ муаммолар ҳам оппа-осон бартараф этилавераркан. Бу аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида ҳам, қолаверса, иқтисодий тараққиётга эриша боришимизда ҳам сезиларли ижобий таъсир этмоқда. Шу боис Олий Мажлиснинг сессиясида мазкур соҳага эътиборни янада кучайтириш мақсадида Президентимиз кичик технологияларни жорий этиш концепцияси ва миллий дастурни ишлаб чиқиш зарур деган масалани кўндаланг қўйдиларки, бу ушбу тармоқни ривожлантиришни яна бир неча поғона юқорига кўтариши аниқ.

— Маълумки, Шайхонтоҳур тумани асосий ҳудудини Эски шаҳар қисми ташкил этади. Шаҳарнинг бу қисмини таъмирлашга, аҳоли турмуши учун янада қулайликлар туғдиришда яқин орада белгиланган режалар борми? Улар нималардан иборат? Шу ҳақда ҳам тўхталсангиз.

–Маҳаллий аҳолининг катта қисми ҳудудимизда яшайди. Бу эса бизга катта фахр билан бирга ўзига яраша масъулиятни ҳам зиммамизга юклайди. Чунки, телефон, ичимлик суви ва канализация тармоқлари эскириб қолган. Уларни янгилашни давр тақозо этмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган «Маҳалла» дастурига биноан туманимиз ҳудудидаги барча маҳаллалар 100 фоиз газлаштирилди. Тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 20 километрга сув қувурлари ётқизилди. Ёшларнинг ўқиши ва спорт билан шуғулланишлари учун 36 та умумтаълим мактаблари ва уларда спорт залларидан фойдаланиш имконияти етарли даражада. Шунингдек, ҳудудимизда 4 та гимназия, 2 та лицей, 47 та болалар боғчалари фаолият кўрсатмоқда. Шу йил 190 ўринли болалар боғчаси қурилиб ишга туширилди. 102 ва 136-мактабларда ошхона қурилиши якунланди. Туманимиз аҳолисига ҳозирда 19 та тиббиёт муассасаси хизмат кўрсатмоқда. Қурилиши тугалланган 14-поликлиника, 6-болалар шифохоналарининг филиалларини ва янги 18-шифохона ҳамда ипакчилик мавзесида 590 ўринли болалар ва ўсмирлар шифохонаси бинолари қурилиб ишга туширилди.

Яқин келажакда амалга оширишимиз керак бўлган асосий вазифаларимиздан яна бири Эски шаҳар қисмини марказ билан транспорт воситалари орқали янада яхшироқ боғлашдир. Яъни, Фаробий кўчалари кенгайтирилиб жамоат транспорти қатновини йўлга қўйиш устида иш олиб боряпмиз.

— Атҳамжон Жалилович, сир эмаски, кейинги йилларда пойтахтнинг бошқа туманларига қараганда бу ерда барча соҳадаги қурилиш ишлари кенг қамровли олган. Бундан кўриниб турибдики, туман ривожланишнинг янгича йўлини танлаган. Хўш, бу борада қандай ишларни амалга оширмоқдасизлар?

— Узбек халқи болажон халқ. Қурилиш ишларининг асосий негизини янги-янги мавзеларда уй-жойларнинг қад ростлаётганлигидан ҳам кўрсак бўлади. Чунки туманимизда қисқа вақт ичида Белтепа, Жарариқ мавзеларининг янги қисмларини вужудга келиши катта иш бўлди. Шунингдек, ўтган йили 74 минг 435 квадрат метр ҳажмдаги уй-жой қурилиш ширкати томонидан 24 минг 718 квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Туманимизда капитал қурилиш ишларига 249 миллион 666 минг сўмлик маблағ сарфланди.

— Атҳамжон Жалилович, Президент ваколатлари муддатини узайтириш юзасидан референдум ўтказиш тўғрисида Олий Мажлис депутатлари бир овоздан қарор қабул қилган эди. Насиб этса, эртага Президент ваколатини узайтириш учун халқимиз овоз беради. Ушбу тарихий воқеанинг халқимиз фаровонлигига қўшадиган ҳиссаси, қолаверса, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги аҳамияти хусусида ҳам ўз фикрингизни билдирсангиз?

— Ушбу қарор мамлакатимизнинг ривожланиши учун ҳам, халқимизнинг изга тушаётган турмуш шароити учун ҳам айни муддао деб биламан. Мана, мустақилликка эришган йиллардан сўнг биргина бизнинг туманимизда кечаётган жараёнларга бир эътибор берсак, қилинган ишларимизнинг салмоғи катта. Албатта, бу энг аввало, мамлакатимизда кечаётган барқарорликнинг самарасидир.

Тарихдан маълумки, ижтимоий барқарорликка эришган давлатдагина барча соҳалар баравж ривожланган. Одамлар саодатда яшашган. Юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги ишлар ўз мевасини берган. Ахир, айрим қўшни мамлакатларга бир қаранг. Узбекистонда эса аҳоли яратувчилик ишқи билан банд.

Менимча, Президент ваколатлари муддатини узайтириш — юртбошимиз, қолаверса, ҳукуматимиз олиб бораётган ишларига, фаолиятига берилган муносиб баҳо ҳам бўлади.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

ОФТОБ НУР СОЧАДИ

Офтоб нур сочади. Булутларни ёриб, шиддатли шамоллар қаҳрини чўчитиб нур сочади. Унинг ҳар зари дарахтларнинг томир-томирларига жон олиб киради. Ер бағрига чинакам ҳаёт — жонланиш олиб киради. Мустақиллик — ана шу офтоб нуридир. У кўнглимизга ғурур, фахр ҳисси, юрт учун курашчан бўлмоқни солади.

Юртим саҳоватли, юртбошим-да саҳоватли.
Юртим бағри кенг, юртбошим-да бағри кенг.
Юртим фарзанд севгувчи, юртбошим-да норасидалар бошини силовчи.

Элим деб ёниб яшовчи, туну кун уни ўйловчи, фуқаро уйида еярга нони борми, ичарга суви борми, олов ёқай деса гугурти борми, юртбоши шуни-да ўйлайди.

Сиз фақат оилангизни ўйлайсиз, у киши бутун юртни ўйлайди.

Дарвоқе, юртимизнинг эртасини, унинг келажагини ўйлаганига кичик мисол келтирай. Яқиндагина болалар матбуоти ҳаётида катта воқеа юз берди: у давлат тасарруфига ўтказилди. Бу кичкина гап эмас. Чунки болалар газета ва журналлари учун кетадиган харажатлар бундан кейин давлат бюджетига киритилди.

Энди референдум ўтказишга келсак, мен бундан минг карра розиман. Чунки инсон ўзи бош-қош бўлиб, ўзи юрак ютиб бошлаган қудратли ишларни ўзи давом эттирмоғи, ўзи режаларини амалга оширишга ўзи раҳбарлик қилмоғи лозим. Чунки, ҳар инсоннинг ўз иш тутуми, ўз иш услуби, йўналиши бор. Мен Узбекистоннинг оғир юкини кўтаришда халққа меҳр-муҳаббат беришда юртбошимиз ва унинг жонкуяр сафдошларига кучқувват тилайман.

Яйра САЪДУЛЛАЕВА.

ЁРҚИН ЙЎЛЛАР КАФОЛАТИ

Мустақиллик Ўзбекистон тарихида мутлақо янги даврни бошлаб берди. Энг аввало, етмиш йилдан ортиқ давом этган истибдод барҳам топди. Элимизга унинг миллат сифатида яшаб қолиши ва камол топиши учун зарур бўлган энг буюк қадрият — миллий давлатчилик анъанаси қайтарилди. Истиқлолнинг тўртинчи йили янги ўзбек давлатининг халқимизга хос ва мос хусусиятларни ўзида жам этган янги сиёсий ва ташкилотчи куч эканлигини кўрсатди. Мамлакатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётган тинчликсевар ташқи сиёсат ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган ички сиёсат халқаро майдонда ва республикамиз аҳолиси орасида катта обрў-эътибор қозонди. Одамларда эртанги кунга ва мамлакатимизнинг буюк келажагига ишонч туйғуларини мустаҳкамлади. Бу муваффақиятлар замирида, бир томондан, халқимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, бағри кенглик ва сиёсий донолик хусусиятлари, иккинчи томондан эса, Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган оқилона сиёсат ётибди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Кенгаши Президентимиз ташаббуси билан мустақиллик эълон қилганида у собиқ Иттифоқдаги «суверенитетлар паради»нинг таркибий қисми бўлмади, яъни унинг ўша йилларнинг «сиёсий мода»сига ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. У халқимизнинг миллий ўзлигини англаши, республика раҳбариятининг истиқлол сари интилиб, қадамба-қадам амалга ошириб келган сиёсий йўлининг тантанаси бўлди. Шу сабабли ҳам мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг республикамизда баъзи собиқ иттифоқдош давлатларда бўлгани каби бошбошдоқлик ва тарафкашликка йўл қўйилмади, аксинча барча халқ Президент атрофида бирлашиб, мустақилликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини вужудга келтиришдан иборат бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари бошланди. Изчил ҳаракатларимизнинг илмий жиҳатдан асосланган дастури ишлаб чиқилди ва у собитқадамлик билан амалга ошириб келинмоқда.

Президентимиз юргизган оқилона сиёсат туфайли жамиятда давлат ҳимоясига олинмаган социал қатламлар қолмади, мамлакатда баъзи давлатлардаги каби очлангоч, қаровсиз қолган гуруҳларнинг вужудга келишига йўл қўйилмади. Жамиятнинг ўзаро манфаатлари зид социал қатламларга ажралиб кетишининг олди олинди, уюшган жиноятчилик ва жиноятчиликнинг турли кўринишларига аёвсиз чоралар кўрилди. Фуқароларнинг ҳуқуқий ва мулкий хавфсизлиги таъминланди. Барча фуқароларнинг қонун олдидаги ва қонунга итоат этишдаги тенглиги қонунан мустаҳкамланди. Иқтисодда кескин сакрашлар, ноўрин тажрибалар қилинмади. Республиканинг эски тузумдан қолган иқтисодий имкониятини сақлаб қолиш ва уни мамлакатимиз эҳтиёжларига қараб ислоҳ қилиш ҳаракати амалга оширилди. Республиканинг бойликларидан халқимиз ва порлоқ келажагимиз манфаатлари йўлида омилкорлик билан фойдаланиш йўлга қўйилди. Иқтисодий ислоҳотларга давлат раҳбарлик қилмоқда. Ишбилармонлик ва хусусий мулкка кенг имкониятлар яратилди. Республикада хусусийлаштириш, чет эл сармоясини жалб қилиш, автомобилсозлик, электроника, автоматика каби энг замонавий соҳаларни барпо қилиш авж олмоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши ва унинг нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб киришига эришилди. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлашда кафолатчи давлатлардан бирига айланди. У қўшни қардош давлатларга иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан кўмаклашмоқда ва Марказий Осиё давлатлари Ҳамдўстлигининг ташкилотчиларидандир.

Ўзбекистон Ғарбда (СБСЕ, Европа ҳамжамияти) ва Шарқда (Осиё Иқтисодий ташкилоти, Туркийзабон давлатлар бирлиги) ўзининг муносиб ўрнини эгаллади ва бу ташкилотларнинг фаол ва салоҳиятли аъзоларидан биридир, Ўзбекистоннинг тинчликсевар, бетараф ва ҳар қандай масалаларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган ташқи сиёсати кун сайин жаҳонда унинг обрўсини кўтармоқда. Албатта, мамлакатимиз эришган муваффақиятларнинг кўлами биз санагандан кўп ва хўндир. У ўтмишда буюк давлатлар қурган ўзбек халқининг Президент И. А. Каримов раҳбарлигида янги зафарларга эришиш, буюк Ўзбекистон давлатини яратиш йўлида қўлга киритган ютуқларининг бир қисми, холос. Энг муҳими, халқимиз ўз келажагини равшан кўриб ва англаб турибди.

Шокир ҒАФФОРОВ,
СамДД тарих ва ҳуқуқшунослик маркази бошлиғи, доцент.
Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ,
СамДД докторанти.

РАВНАҚИ УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Бу серқуёш улкадаги осойишталик, меҳмондўст ва меҳнаткаш халқингиз қалбимни забт этди. Президентингиз ёзган китобларидан бири «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деб аталар экан. Мен «Буюк» сўзидан кейин «порлоқ» сўзини ҳам қўшгим келади. Қисқа сафарим давомида мен бунга ишонч ҳосил қилдим. Яқин келажакда Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланган мамлакатлар сафидан урин олса ажаб эмас.

Даглас ХОГГ,
Буюк Британиялик давлат арбоби.

Узбекистонга муносабатимга келадиган бўлсак, мени бу ёш мустақил давлатдаги барқарор вазиятгина эмас, Ислом Каримов олиб бораётган доно ва ҳар томонлама асосли сиёсат ҳам жалб этган. Мен Узбекистон Президенти билан бир неча марта учрашдим. Шунинг учун маълум хулосалар чиқаришим мумкин. Ислом Каримов — кучли ва ўзига хос киши! Бундай одам билан мулоқотда бўлиш кишига ҳам мамнуният, ҳам фахр туйғусини бахш этади.

Карел ААЛБЕРС,
Голландия бизнесмени.

Худди дарахт ўз уруғидан униб, кўкка интилганидек, Ўзбекистон ҳам тез орада юксак тараққиётга эришажак. Барча имкониятларингизни ишга солиб, шу саодатли кунларни яқинлаштиришга интилаётганингиздан хурсандмиз.

Зиёвуддин ТУСИЙ,
Буюк Бобуршоҳ авлоди.

Ўтган йили Узбекистонда бўлганимда мамлакатингизда босқичма-босқич амалга оширилаётган демократиялаштириш ва иқтисодий ислоҳотлар жараёни менда чуқур таассурот қолдирди. Шу боис мен мамлакатларимиз ўртасида муттасил ривожланаётган ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ҳам астойдил кузатиб боряпман. Ўтган қисқа муддат мобайнида эса талай ишлар амалга оширилди.

Ким Ен САМ,
Корея Республикаси Президенти.

Шу кунларда республикамизда Миср Вақф -- диний ишлар вазири, доктор Муҳаммад Али Махгуб меҳмон бўлиб турибди. У расмий сафари чоғида диний, маърифий ва маданий муассасаларда бўлиб, икки мамлакат ўртасида олиб борилаётган дўстлик алоқалари билан танишди. Мухбиримиз Абдулла Пўлатов Муҳаммад Али Махгуб билан учрашди:

— Бу галги сафарим муборак Наврўзга тўғри келди. Президент жаноби Ислом Каримов билан учрашув чоғида у киши мени бу айём билан самимий мубораклаб этганидан ғоят хурсандман.

Юртбошингиз Ислом Каримовнинг Мисрга расмий давлат сафари билан бориб, Ўзбекистон ва Миср ўртасида яхши дўстлик алоқаларини бошлаб берди, доно сиёсатчи эканлигини кўрсатди. Юртбошингиз мустақиллик шарофати туфайли диёрингизда ислом дини эркин фаолият кўрсатиши борасида талай қулайликлар яратиб берганлигини муносиб баҳолаймиз. Ўзбекистон жаҳонга танилган буюк олимлар, мутафаккирлар, ислом дини арбоблари ватани эканлиги билан ҳамиша қизиқиш уйғотган.

Ўзбек халқи ўз юртбошисининг Президентлик лавозими муддатларини узайтириш учун овоз беришга аҳд қилган экан, бу мамлакатингизда тинчлик, осойишталик намойишидир. Биз ислом дини аҳллари Ислом Каримовнинг умри узоқ, фаолияти савобли бўлишини Яратгандан сўраб, дуолар қиламиз.

Юртбошимиз юртлар кезганда.

Карло УНГАРО:

ЎЗ ВАҚТИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МУҲИМ ТАДБИР

26 март куни мамлакатимизда Президентлик ваколатини 2000 йилгача узайтириш юзасидан умумхалқ референдуми бўлиб ўтади. Ушбу воқеа халқаро синчилар, мутахассислар, сиёсатчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Мухбиримиз Италиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карло УНГАРО билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Жаноб элчи, сиз сиёсатчи ва ҳуқуқшунос сифатида республикамиз Олий Мажлисининг биринчи сессиясини кузатиб борган ва ушбу сессиянинг натижалари билан яхши таниш бўлсангиз керак. Ундан олган таассуротларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Менда, аввало Ўзбекистон Парламентининг мамлакат иқтисодий ва сиёсий равнақини янада юксалтириш учун жиддий киришгани катта таассурот қолдирди. Шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлисда қилган маърузаси кейинги пайтдаги энг муҳим ва жиддий маъруза бўлди. Чунки, Президент ўз маърузасида мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг муҳим томонлари ҳақида жуда самимий ва ошкора сўзлади.

— Маълумки, Олий Мажлис Президент ваколатини 2000 йилгача узайтириш борасида умумхалқ референдуми ўтказишга қарор қилди. Ушбу тадбир ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик?

— Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳукуматингиз халқнинг катта ишончига эга. Шу туфайли ҳам Президентингиз олиб бораётган сиёсат ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Халқ сайлаган Парламентнинг референдум ўтказиш ҳақидаги киритган таклифи ушбу тадбирнинг қонунийлигини белгилаб беради. Агар, масалага ҳуқуқий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, баъзи давлатларда, Президент ва Парламент ваколат муддатлари бир вақтга тўғри келмайди. Бироқ, ўйлашимча, эндигина ўз давлатчилигини барпо этаётган ва ривожланиш йўлига чиқиб олган мамлакат учун мазкур ғоя жуда муҳим ва ўз вақтида туғилган. Чунки референдум Президент ва Парламент, ҳукумат ва халқнинг саъй-ҳаракатларини умумлаштиришнинг энг мақбул йўлидир.

Мамлакатингиздаги ҳозирги мавжуд шароитдан келиб чиқиб, Президент ваколатини 2000 йилгача узайтириш ҳақида ўтказиладиган референдум жуда зарур тадбир деб ўйлайман. Референдум мамлакатни ривожлантириш йўлида ҳукуматнинг катта масъулият билан ҳаракат қилишига имкон беради. Бу масъулият, ҳаракат дастури эса Президентнинг Олий Мажлисда сўзлаган маърузасида аниқ белгилаб берилди. Бу — мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда мумкин қадар тезроқ хусусий сектор ҳиссасини кўпайтириш ва бозор иқтисодиётига асосланган бошқа ислоҳотлардир.

Мазкур масалага сиёсий томондан қараганимизда эса, Ўзбекистон маҳаллий шароит, миллий анъаналар ва халқ урф-одатларига таянган ҳолда Европа давлатлари андозаларига яқинлашиши керак, деган фикрдаман. Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатни иқтисодий ривожлантириш йўлида белгиланган вазифаларни ҳал қилишга жиддий киришганини намоён этмоқда. Умид қиламизки, ҳукуматингиз ўз тутган йўлини собитқадамлик билан давом эттиради ва ўз олдига қўйган мақсадига эришади.

— Бир неча йилдирки, сиз юртимизда элчи сифатида фаолият кўрсатмоқдасиз. Табиийки, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни бевосита кузатиб боряпсиз. Ушбу жараённинг боришини қандай баҳолаган бўлардингиз?

— Мен 1992 йилдан буён мамлакатингизда элчи бўлиб фаолият кўрсатяпман. Шу қисқа вақт мобайнида юртингизда, ҳақиқатан ҳам, катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Тўғри, баъзи қийинчиликлар ҳам мавжуд. Аммо, шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳар қандай мамлакат ривожланган жамият қуриш учун шундай мураккаб йўлни босиб ўтади. Ҳозир ривожланган баъзи бир давлатлардаги шароит ўз вақтида юртингиздаги ҳозирги шароитдан ҳам бир неча баробар қийин ва мураккаб кечган. Образли қилиб айтсак, юксак маррага интилаётган спортчи ҳам бир кунда ўз мақсадига эриша олмайди. У бу йўлда талай тер тўкади, қийинчиликни енгиб ўтади. Мен бу гапларни нафақат элчи сифатида, балки Ўзбекистонга кўнгил қўйиб, шу юртга боғланиб қолган бир инсон сифатида айтмоқдаман.

Саид МУРОД.
(ЎзА).

ЮРТ ЭРТАСИ ҚЎЛИМИЗДА

Президентимизнинг муҳим вазифаларидан бири, халқни маънавий юксалтириш, ижтимоий соҳани такомиллаштириш, ахлоқий ва жисмоний тарбияни равнақ топтириш...

Бундай ғамхўрликни муҳтарам юртбошимиз амалга оширмоқдаки, бунинг тўлиқ гувоҳи бўлиб турибмиз. Биз роз тарихга назар ташлайлик. 1991 йил 29 декабрь. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг асоси Президентни умумхалқ сайловида сайлаш эди. Ўша сайлов муқобиллик асосида ўтди: Ислом Каримов аксарият кўпчилик овоз билан ғалаба қилди.

Президент ўша сайловолди суҳбатларидан бирида 3—4 йилда мустақиллигимизнинг дастлабки ютуқлари қўлга киритилади, кейинги 2—3 йилда эса буюк давлат эканлигимизни исботлаймиз, деган эдилар. Бу башорат амалга ошмоқда. Юртбошимиз Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида ҳам иқтисодий ислоҳотнинг иккинчи босқичи ҳақида ўз тамойилларини изҳор қилдилар.

Бугун референдумда фаол қатнашиб, ўз яқдиллигимизни яна бир бор намоён этайлик.

К. НОРМАТОВ,
профессор.

• Дил изҳори

МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

Адолатли сиёсат юргизувчи ҳар қандай мамлакатда зиёлилар давлатни бойитувчи ва ҳаракатлантирувчи асосий куч бўлиб, иқтисодий, маънавий тараққиётни таъминлашда етакчи роль ўйнайди. Бу мазмундаги ҳақиқатни давлатимиз раҳбарининг ҳар бир маърузасида акс этганлигини уқиб олиш мумкин.

Агар ривожланган мамлакатлар тараққиёти тажрибасига назар ташласак, давлатларнинг бир сиёсий тузумдан иккинчисига ўтиш даврида иқтисодий ривожланишнинг дастлабки босқичи энг камида 8—10 йилга чўзилиб кетганини кўрамиз. Модомики, шундай экан, юртбошимизнинг мамлакат иқтисодиётини бақувват давлатлар даражасига кўтариш йўлидаги саъй-ҳаракати натижаси ўлароқ қисқа муддатда бизда ўзгариш бўляпти. Ва барча мавжуд имкониятларни ҳали тўла ишга солиб улгурмаганлигимизга ишонч ҳосил қиламиз.

Тўғри, халқимиз тезроқ фаровон ҳаёт кечириш орзусида.

Шу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда Президент ваколатларини узайтиришда, Ватанимиз равнақи йўлида унга ишонч билдирсак энг тўғри ва адолатли йўл тутган бўлар эдик. Шу билангина халқимиз орзиқиб кутаётган тўкин ҳаётга тезроқ эриша оламиз, деб ўйлайман.

Х. АЗИМОВ,
Тошкент архитектура ва қурилиш институти катта ўқитувчиси.

ХАЙРИХОҲ БЎЛАЙЛИК

Гапни лўнда қила қолай. Юртбошимизнинг «Халқ ҳамма қийинчиликка чидайди, лекин адолатсизликка чидай олмайди. Биз адолатсизликка қарши қатъий курашамиз!» — деганлари ва жиноятчиликка қарши катта юриш бошлаганлари натижасида жамиятимизда барқарорлик ва осойишталик қарор топди. Юртимиз катта йўлга қадам қўйди. Буюк орзу-ниятларни ижобат эттириш сари қилинаётган саъй-ҳаракатлар юртнинг, элнинг тақдири, келажагига хайрихоҳ бўлди.

Эсимда, 100 ёшларни қоралаган, ҳозирда марҳум бўлган доно бир диндор ва тақводор мўйсафид Даминхон Авлиёхўжа уғиллари юртбошимиз лавозимга келишлари билан «Исми шарифига, ўзининг салоҳияти ва шижоатига кўра бу раҳбарларинга худо берган, ёрлақаган экан. Оллоҳ унга ёр бўлсин», деган эдилар. Шундан бироз вақт ўтгандан сўнг И. Каримов бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, мардонаворлик билан мустақилликни эълон қилди.

Давлатимиз раҳбарини мустақиллик учун жон берган юртбошларимизнинг руҳлари қўллаб-қувватласин.

Мен юртбошимизнинг ваколатини 2000-йилгача узайтириш учун овоз бераман.

Саидаҳмад ҒАФФОРОВ,
юридик фанлари номзоди.

ФАОЛ ҚАТНАШАМИЗ

«Китоб» ип-йигирув ҳиссадорлик жамиятида яқинда бўлиб ўтган умумий йиғилишда Ўзбекистон Олий Мажлиси биринчи сессияси қарорлари, Президентимиз маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

— Республика Президенти ваколатини узайтириш бўйича умумхалқ референдуми ўтказиш ҳақидаги қарорни жамоамиз тўла қўллаб-қувватламоқда,— дейди корхона касаба уюшмаси раиси А. Шерматов.— Истиқлолимиз, мамлакатимизда юз бераётган чуқур ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар юртбошимизнинг фаолияти билан боғлиқ.

Йиғилишда сўзга чиққан бошқа ишчи ва хизматчилар ҳам референдумда фаол қатнашиб, Президент ваколатини ёқлаб овоз беражакларини изҳор қилишди. Бундай тадбирлар «Китоб», «Навбаҳор», Каромат Рустамова номли хўжаликлар, «Кимё» ижара корхонаси ва бошқа ташкилотларда ҳам бўлиб ўтди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳаётда ҳар бир кишининг ўз ўрни, эгаллаган соҳаси-ю, касб-кори бўлгани яхши. Ҳарқалай, одам ўз ишига пишиқ-пухта экан, ҳаммаси жойида бўлади.

Энди ўзимга келсам, ота касб — устачиликни тан олганман. Озми-кўпми элнинг хизматини қилиб келаяпмиз. Яқинда ўзим туғилиб ўсган Ўрай қишлоғида Бахмал туманимиздаги йирик масжидлар-

ДИЛДАГИНИ АЙТСАМ...

дан бирини бунёд этишга бош-қош бўлдим. Ҳозир эса «Ёшлар уйи» қурилишини олиб боряпмиз. Бу маскан бунёд этилаётган жой баланд тепалик бўлиб, у ердан Ўсматнинг барча қишлоқлари кафтдагидек кўриниб туради. Ўрай, Новқа, Йўлдошбой, Оломон, Юмалоқбоши... Ўйлаб кўрсам, бу қишлоқларнинг ўнлаб хонадонларига меҳнатим сингган. Одамлар билан мулоқотлар, оилаларнинг аҳволи, турмуш даражаси, дегандай, барчаси менга яқин.

Шулардан келиб чиқиб дилимдагини айтсам. Президентимизнинг ваколатларини узайтиришга икки қўллаб овоз бермоқчиман. Қишлоқдошларим, ҳамюртларим ҳам шундай фикрда.

Абдурайим ЭЛМУРОДОВ,
Бахмал туманидаги Ўсмат қўрғонининг Ўрай қишлоғи.

ЯҚДИЛ ҚАРОР

Бобур номли Андижон ипгазлама ҳиссадорлик жамиятида 12 мингга яқин ишчи хизмат қилади. Истиқлол боис жаҳонга юз очаётган бу жамоа Ватанимизнинг иқтисодий қудратини оширишга улуш қўшиб келмоқда. Ҳиссадорлик жамиятининг пардозлаш фабрикасига Тайван давлатидан келтирилган жиҳозлар ўрнатилгач, эркаклар кўйлаги ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Эндиликда корхона дунёнинг бир қатор таниқли фирма ва компаниялари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Швейцариянинг «Ритар» фирмаси билан ана шундай манфаатли алоқа йўлга қўйилгач, Андижонга салкам 14 миллион долларлик технология етказиб беришга рози бўлди. Олмониянинг машҳур «Гермес» банки билан эса 45 миллион долларга кредит шартнома тузилди. Чет элнинг энг замонавий асбоб-ускуналари билан қайта жиҳозлантирилаётган корхонанинг маҳсулотлари Англия, Испания, Дания, Голландия, Туркия, Польша каби дунёнинг ўнлаб мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимиз Президенти И. Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат туфайлидир.

26 март кунги референдум муносабати билан ҳиссадорлик жамиятида бўлиб ўтган кўп минг кишилик йиғилишда шулар таъкидланди. Аҳил жамоа эртага референдумни ўюшқоқлик билан ўтказишга, Президент ваколатларини узайтириш учун овоз беришга қарор қилди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ва жаҳон

ЯНГИ ҲАВО ҚАТНОВИ

Мустақиллик шарофати билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Буюк Ипак йўлининг қадимий сўқмоқларини қайта жонлантиришда муносиб ҳисса қўшмоқда, бу сўқмоқларни Оврўпа қитъаси мамлакатлари осмони узра узайтирмоқда. Наврўз арафасида Тошкент — Амстердам ҳаво йўлининг очилиши мазкур қадимий йўлнинг янги шохобчаларидан бири бўлди.

Моҳир учувчи Петр Амбраже бошчилигидаги экипаж бошқарган «А-310» аэробуси Тошкентдан кўтарилиб, олти соату ўн дақиқадан сўнг Франкфурт шаҳри аэропортига оҳиста қўнди. 170 дан ортиқ йўловчи Германияга келди. Сўнгра ҳаво кемаси бу ердан Амстердамга парвоз қилди ва 55 дақиқадан сўнг гуллар мамлакатининг «Шипхол» аэропортига илк бор қўнди.

Ўзбек учувчиларини мезбонлар лолалар билан кутиб олишди. Аэропорт биносида бўлган тантанали маросимда Амстердам аэропорти директори Ч. Венник ва Ўзбекистон делегациясининг бошлиғи, миллий авиакомпания бош директорининг биринчи ўринбосари Арслон Рўзметов мамлакатларимиз ўртасида очилган янги ҳаво йўлининг аҳамияти ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Аэробус Тошкентга қайтаётганида унга кўплаб ишбилармонлар, сайёҳлар, бизнесменлар чиқишди. Гамбургда истиқомат қилаётган ўзбек ватандошимиз Ҳожи Муҳаммад Рафиқ ўзбек учувчиларининг меҳнати ва янги очилган ҳаво қатновига юксак баҳо берди.

Дарҳақиқат, янги очилган ҳаво йўли «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг мамлакатимизни жаҳон билан боғлаб турувчи самовий кўприк яратиш йўлидаги навбатдаги муваффақиятидир. Тошкент — Амстердам — Тошкент йўналиши бўйича доимий авиақатнов Ўзбекистон билан Голландия ўртасидаги дўстлик алоқаларини ва амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Суратда: «Ўзбекистон миллий авиакомпания»сининг рамзи туширилган «А-310» ҳаво кемаси «Шипхол» аэропортида.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 27

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Очиқ дераза». Мультфильм.
18.20 «Ишбилармон».
18.45 «Турон гулпорлари».
19.00 «Йигирма биринчи аср бусағасида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санъатга пайванд диллар». Концерт.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Бу шундай даргоҳки...». Халқаро театр кунига бағишланган кўрсатув.
23.20—23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент»
студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Маънавий камолот».
19.20 «Ҳамшаҳарлар» видеоканали:
— «Юзма-юз».
— «Оқ қутича».
— «Менинг маҳаллам».
21.20 — 23.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. «Одерда баҳор». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Халқаро танлов совриндори Татьяна Абиякий қўйлайди.

*

«ОМАД» таништиради:

19.55 «Совға».
20.25 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Эълонлар.
21.40 Видео—«О».
23.20 Эълонлар.
23.30 «Курьер».
23.45 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.55 «Постфактум».
00.10—00.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Тиғиз пайт».
18.30 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.00 «Сиз кимсиз?».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 А. И. Солженицин билан учрашув.
20.55 «Спорт уик-энди».
21.15 «Театр+ТВ». Халқаро театр кунига бағишланади.
22.05 — 22.20 Катталар учун мультфильмлар.

СЕШАНБА, 28

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Самсон ва Салли». Мультфильм.
9.00 Немис тили.
9.30 «Ислоҳот ва муаммо».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.30 Камер қўйларидан концерт.
11.00 «Арзанда эмас — пазанда бўлинг!».
11.30—12.00 «Мавсум тараддуди».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Кичкинтойлар учун. «Доно бобо даврасида».
18.45 Шеърий дақиқалар.
18.55 «Тадбиркорлик йўлида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дўстлар даврасида». Эстрада тароналари.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Трактор».
23.10—23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк».
18.55 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
19.45 Янгиликлар.
19.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 Видеогид.
20.55 «Теле-ателье-шоу».
21.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.25—23.45 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Бизсдан озод ва обод Ватан қолсин».
19.40 «Куй ва соз соҳиби». Телефильм.
19.55 «Имконият излаб».
20.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.45 «Колумб кашф этган дивр».
21.30 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.30 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.40 «Бизнес-банк».
22.55—23.35 «Флорида». Мусиқий видеофильм.

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—8.00 «Тонг».

***

18.00 «Тиғиз пайт».
18.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
18.55 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Илк манбадан».
20.50 Аёллар ҳаётидан тўрт воқеа. «Луиза. 70-йиллар». Бадиий фильм (Италия).
22.25—22.50 «Гол».

ЧОРШАНБА, 29

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Оҳанглар оғушида». Кинодастур.
8.40 Алифбо сабоқлари.
9.10 «Оламни асранг!».
9.40 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
10.10 «Наврўзимни қўйлайман».
10.40 «Маънавият» видеоканали.
12.40 — 13.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Динамо».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Содиқ дўстлар». Мультфильм.
18.20 Спорт хабарномаси.
18.30 «Аёл борки, олам мунаввар».
19.05 «Бир жуфт қўшиқ». Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Навоийхонлик».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Самарқанд вилояти.
22.10 «Ёш аёл учун эркак». Бадиий фильм.
23.25 — 23.50 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент»
студияси таништиради:

18.30 «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Бумеранг».
19.30 «Жонли тил».
20.30 «Абадий қадриятлар».
21.00 — 22.40 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Каратэ-до бўйича «Наврўз-95» халқаро турнири.
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Ватан ҳимоячилари».

*

«ОМАД» таништиради:

20.40—23.40 «СПОРТ ҚИТЪА-СИ».

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—8.00 «Тонг».

***

18.00 «Тиғиз пайт».
18.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
18.55 Халқ қўйларидан концерт.
19.10 «Ёдингдами, дўстим»...»
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Монолог».
20.55—22.50 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш ўйини. Россия — Шотландия терма командалари.

ПАЙШАНБА, 30

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Болалар учун фильм. «Кўвш ҳамёнда».
9.10 «Бола бошидан...».
9.50 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».
10.40 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хор жамоаси концерти.
11.10 — 13.10 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Менинг филим бўл». Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Қўғирноқча».
18.55 «Аҳвол қандай, чемпион?».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. «Ой бориб, омон қайтганлар». Зоҳиджон Обидов.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Бош мезон».
22.10 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Раззоқова қўйлайди.
22.55—23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Ишингиз бароридан келсин».
19.25 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.45 «Теле-ателье-шоу».
19.55 Видео янгиликлари.
20.20 Янгиликлар.
20.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50—23.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.35 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Замандас» (қозоқ тилида).
22.25 «Спорт-тайм».
22.55—23.35 «Сизга таъзим».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—8.00 «Тонг».

***

18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Сиз кутган учрашувлар». Л. Смирнова.
19.20 «Москва, Кремль».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40—22.30 Кино асри. «Амакиваччалар» (Франция, 1975 й.).

ЖУМА, 31

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Болалар учун фильм. «Соат занг урар экан».
9.15 Немис тили.
9.45 «Халқ фаровонлиги йўлида».
10.05 «Китоб ва ҳаёт».
10.40 Ёш ижрочилар концерти.
11.10—13.10 «Умидлар йили». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Қувноқлар даврасида».
18.35 «Фан уфқлари».
19.00 «Хазинамиз таянчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сўзана ва чинни буюмлар». Телефильм.
20.10 «Одобнома».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ҳофизлар хониш қилганда...».
22.15 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Шри-Ланка.
22.45—23.10 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент»
студияси таништиради:

18.30 Телефильм.
19.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 «Шифокор билан мулоқот».
20.40 «Бу бўстон аро...».
21.10 «Транспорт ва йўловчи».
21.40—22.50 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Каратэ-до бўйича «Наврўз-95» халқаро турнири.
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:

20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
20.35 Эълонлар.
20.40 «Панорама».
21.10 «Америка юлдузлари». Кинодастур.
21.30 «Даракчи».
21.40 Эълонлар.
21.45—23.25 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—8.00 «Тонг».

***

17.40 «Электрон бури». Телевизион бадиий фильм.
18.50 «Муъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
21.00—22.00 «Детективлар клуби»да. «Машҳур детективлар». Телевизион бадиий фильм. 6-фильм — «Сирли миссия» (Франция).

ШАНБА, 1

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Аския». Телефильм.
8.45 «Қувноқ стартлар».
9.45 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
12.15 Болалар учун. «Дилдан қўйлаб, ўйна қувнаб».
12.45 — 13.45 «Ёшлик» студияси. «Гап йўқ».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кичкинтоймиз — ги-жингтоймиз».
18.35 Спорт хабарномаси.
18.45 «Экран хандаси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Янграсин шўх яллалар». Концерт.
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ҳожибой Тожибоев ҳангомалари.
22.10 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Шри-Ланка.
22.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
22.50 «Тунгу ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

9.00 Мультфейерверк».
9.25 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
10.15 Янгиликлар.
10.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеогид.
11.25 «Теле-ателье-шоу».
11.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.15 «Кинонигоҳ».
13.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
14.15 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

*

«Тошкент»
студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.40 «Пульс». Хабарлар.
19.55 «Акс-садо».
20.25 «Менинг кўчам».
20.40 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.40 «Ҳар соҳадан бир шингил».
22.00 «Гладиаторлар». Спорт шоу дастури.
22.45 «Кинематограф».
00.25 «Хотима».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10. 00 «Ўзим ҳақимда».
10.30 «Қалбим ҳарорати». Картер Малик.
11.00 — 11.45 «Саломат бўлинг!»

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Гул ва...»
19.30 «Безнен мирас» (татар тилида).
20.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.35 «Айчурек» (қирғиз тилида).
21.15 «Ўзбекистон — ҳамкорлик йўлида».
21.55 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.05 «Цейтнот».
22.15 «Бу ажиб дунё».
22.35 — 22.45 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 Пьер Ришар «Эгизаклар» бадиий фильмида.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Оқ тўти» клуби. 1 апрель ҳазиллари.
21.25 «Дюраннинг қарғиши». Телесериал премьераси. 1-серия.
22.25 — 23.05 «Оба-на».

ЯКШАНБА, 2

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Т.Миннуллин асари, Х.Валиуллин, Н.Халилов мусиқаси.«Дилафрўзга тўрт ошиқ». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 «Шохрўх» клуби.
11.00 «Ижодкор портретига чизгилар».
11.40 «Бугун — Геологлар куни». Кўрсатув ва концерт.
12.40 «Зиё».
13.45 — 14.15 «Жаҳон жанговар санъатлари».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Усмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!».
18.35 «Санъат олами».
19.05 «Ойнаи жаҳонда».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ўзбекистоннинг жонли «кумуши». «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.20 «Сумалак» ансамбли-нинг концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Шри-Ланка.
22.05 ЎзТВ ҳазинасидан. «Насриддин Бухорода». Бадиий фильм.
23.40 — 00.10 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Ишингиз бароридан келсин».
10.55 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.15 «Теле-ателье-шоу».
11.25 Видео янгиликлари.
11.50 Янгиликлар.
11.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.40 «Кинонигоҳ».
14.20 — 14.40 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

***

17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий дастур.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео — «О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
21.40 Эълонлар.
21.45 «Панорама».
22.15 «Компьютер - Осиё».
22.45 Даракчи.
22.55 Эълонлар.
23.00 — 00.40 Видео — «О».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Мультфильм.
9.40 «Жонли сайёра».
10.00 «Коллекция».
10.20 «Менинг кўчам».
10.35 «Олтин атиргул» гори». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10-серия (Италия).
11.25 «Маски-шоу».
11.40 «Кинематограф».
13.20 — 13.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Ёшлик» студияси. «Ёшлик оқшоми».
19.30 «Олмониянинг олтин хазинаси».
20.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.35 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
21.10 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.10 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.20 «Бу ажиб дунё».
22.40 — 22.50 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Томошабинлар билан юзма-юз».
19.05 «Ялпи назорат». Детектив комедия телепремьераси (Франция).
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.55 «Дюраннинг қарғиши». Телесериал премьераси. 2-серия.
22.50 — 23.30 «Испан сарсузласи намойиши».

«САЙҚАЛ» САЙЛЛАРИ

Кўкни ўпган юксак тоғлар, асрий чинору арчалар, турнакўз булоқлару ноёб нобатот, ҳайвонот дунёсига, саховатли инсонларга маскан бўлган Зомин туманида Наврўз сайли катта тантана билан бошланди. 20 гектар ерни ишғол этган «Сайқал» истироҳат боғи 21 март куни зоминликлар ва меҳмонлар билан гавжум бўлди. Наврўз дастурхонини қарийб юз хил таомлар безагани кишиларни ҳайратга солади. 110 минг нафардан ошиқ туман аҳолисининг вакиллари бу ерда халқимизнинг бой маданий меросини кўз-кўз қилишмоқда. Дарвоз ўйинлари, қизиқчилик, кураш, хўроз уриштириш, айтишувлар, қулоқ чўзма, ёр-ёр... эҳ-ҳе, уларнинг ҳаммасини айтиб, тугатиб бўлмайди.

(Суратли репортаж)

Эрталаб соат 10.00. Наврўз тантаналари ўтадиган сайлгоҳнинг белгиланган жойида байрам иштирокчилари тўпландилар.

— Наврўз байрамининг бундай шодиёна қилиниши мустақиллигимизнинг шарофатидир, — деди туман ҳокими Шуҳрат Абдуғаниев. — Бу байрамни нишонлашга пухта ҳозирлик кўрдик. Шанбалик ўтказиб, 55 минг 300 сўмни меҳр-шафқат жамғармасига ўтказдик. 42 минг тонна дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш учун деҳқонларимиз баҳорнинг ҳар бир кунидан омилкорлик билан фойдаланишяпти. Одамларимиз 26 март куни ўтказиладиган референдумда якдилликларини амалда намоён этишга чоғланишган.

Байрам дастурхонига назар ташлаб, халқимизнинг турмушини тасаввур қилиш қийин эмас. Президентимизнинг олиб бораётган изчил сиёсати туфайли тадбиркорлик билан иш юритаётган зоминликлар иқтисодий барқарорликка эришишяпти. Дошқозонларда қайнаётган турли таомлар, сумалак, кўк сомса, ҳалим, савдо ходимлари томонидан келтирилган маҳсулотлар кишининг баҳри-дилини очади.

— Иншоолло, байрамимизнинг қадами қутлуғ бўлғай, — дейди Зомин жомеъ масжидининг имом хатиби Абдумуталҳожи Дўстқул ўғли. — Юртдаги осойишталик, тинчлик учун юртбошимизга минг ташаккур. Бандаи мўминлар ул зотнинг умрига барака тилаймиз.

Пойтахт Тошкент шаҳридан ташриф буюрган шоирлар, санъаткорлар , олимлар байрам кайфиятига баланд руҳ бағишладилар. «Саодат» журнали бош муҳаррири шоира Ойдин Ҳожиева, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, мунаққид Иброҳим Ғафуров Наврўз қатнашчиларини қизғин табриклаб, ўз асарларидан намуналар ўқиб бердилар. Таниқли хонанда Бахтиёр Холхўжаев бошчилигидаги санъаткорлар, «Дуторчи қизлар» дастаси хонандаси Зайнабхон Мирзатиллаева ўзларининг куй-қўшиқларини байрам иштирокчиларига бахшида этишди.

— Наврўзнинг хосиятли келаётганлигини сезиб турибмиз, — дейди туманнинг «Янги ҳаёт» ижара-ширкат бирлашмаси раҳбари А. Мажидов. — Наврўз юксак ниятлар, порлоқ режалар фасли. Биз ўтган йилга нисбатан ғалла етиштиришни икки ҳиссага оширамиз. Наврўзнинг саховатли кунларидан фойдаланиб, экин-тикин ишларини кун сайин авж олдиряпмиз.

Сайл иштирокчиларининг қайси бири билан суҳбатлашманг Наврўзнинг саховатидан, яхши ниятларидан тўлиб-тошиб гапиради. Шу куни оила қурган ёшларга никоҳ гувоҳномалари ҳам топширилди. Ёшларнинг порлоқ келажагини шарафлаб «ёр-ёр»лар айтилди. Эл оқсоқоллари ёшларга узоқ умр, бахтли ҳаёт тиладилар. Туман меҳнаткашларининг Наврўз байрами тантанасида Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари Абдусамат Ҳасанов иштирок этди.

Бундай байрам тантаналари туманнинг ҳар бир хўжалик, ташкилот ва муассасаларида бўлиб ўтмоқда. Наврўз қалбларда акс-садо бериб, эзгу ишларга чорлаяпти. Мустақиллигимиз шарофати билан янгича мазмун кашф этган Наврўз элимизда дадил одимламоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

«ВОЛЬФСОН ШАРҚ ИНТЕРПРАЙЗИС» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

токарлик, фрезерлик, сайқаллаш, чархлаш дастгоҳларини, шунингдек мослаш-йўнувчи ва ётиқ-йўнувчи дастгоҳларни сотади.
Ҳақ тўлаш-исталган шаклда, мавоза ҳам мумкин.

Харид этиш масаласи бўйича мурожаат этиш учун телефонлар: 54-89-96, 54-54-59, 54-06-58.

ТАШКИЛОТ

«УРАЛ» русумидаги бортли, енилги ташувчи, ўзитўкар, қишлоқ хўжалиги учун ўзитўкар юк машиналарини, сув ташувчи, вахта автобуслари, шасси, эгачли тягачлар, автопоездлар, катта юкка мўлжалланган ўзитўкар юк машиналари (16 тонна), ёғоч ташувчи ва бошқа машиналарни етказиб беради.

ЯМЗ, КДЗ, КХД дизель двигателлари.

Мавоза таклифларини ҳам қўриб чиқамиз.

Телефонлар: (37-12) 54-27- 96, 56-00-24, 76-67-75

ТАШКИЛОТ

нисбатан арзон нархларда
— саноат қурилмалари ва қишлоқ хўжалиги машиналари учун турли ўлчамдаги ҳаракатга келтирувчи камарларни,
— «Газ» русумидаги барча автомашиналарнинг бензин насосларини

СОТАДИ

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 55-84-90, 55-89-50.

«Узбекистон овози» газета таҳририяти жамоаси шу газетанинг собиқ бош муҳаррир ўринбосари Тўлаган Нажмиддиновга укаси

Ҳикматилла НАЖМИДДИНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узпаррандасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти ва жамоаси бирлашманинг етакчи мутахассиси Ўткир Абдураҳмоновга волидаи муҳтарамаси

Саври ТУРМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси нашриёт ишлаб чиқариш бўлими ходими С. Дадамуҳамедовага турмуш ўртоғи

Ғофуржон ДАДАМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси «Фуқаролик жараёни» кафедраси катта ўқитувчиси Мубин Насуллаевга отаси

Нутфулла НАСУЛЛАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Масъулияти чекланган «СИМО» жамияти жамиятнинг раҳбари Ш. Ю. Ҳамидовга падари бузруквори, уруш қатнашчиси

Юсупжон ҲАМИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ватанни севиш — муқаддасдир!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
• Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0098, 48544 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ , навбатчи Р. ШОДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.* *1 2 3 4 5 6.*